

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
**ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан,
ул. им. Абдурауфа Фитрата, 239.

05.04.2019 й. № 159-қ

**Андижон вилоятида қаттиқ
маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш
тарифларини белгилаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5580-сонли, 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва ПҚ-2916-сонли “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 декабрдаги 01-02/3-1686-сон ҳамда Андижон вилоят Молия бош бошқармасининг 2018 йил 17 декабрдаги 06-3347-сон хатларини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 декабрдаги 01-02/3-1686-сонли ҳамда Андижон вилоят Молия бош бошқармасининг 2018 йил 17 декабрдаги 06-3347-сонли хатлари инобатга олинсин.

2. Қаттиқ маиший чиқиндилар учун:

вилоят бўйича ягона нархлар бир кишига 1 ойга 2500 (икки минг беш юз) сўм, юридик ташкилотларга белгиланган солиқ ставкаси (20%) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда 1 м³ учун 36600 (ўттиз олти минг олти юз)сўм;

3. Мазкур қарор билан тасдиқланган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун вилоят бўйича ягона тариф 2019 йил 15 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

4. Андижон вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК (С.Рахмонов), туманлар “Тоза ҳудуд” ДУК филиаллари раҳбарлари юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш корхоналар;

- ўрнатилган тартибда 2019 йилнинг 15 апрел кунига қадар маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун тасдиқланган янги тарифлар бўйича истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- “Тоза ҳудуд” ДУК (С.Рахмонов), туманларда белгиланган тарифларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

5. Вилоят “Телерадиокомпанияси” (Б.Мирзаахмедов), “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари (С.Шукуров), вилоят бўйича қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун тасдиқланган янги ягона тарифлар тўғрисида кенг жамотачилик орасида тарғибот олиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталарида, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий “ВЕБ-сайти”да эълон қилинсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга кирган деб ҳисобланади.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2018 йил 11 майдаги 321-Қ-сон қарори бекор қилинсин.

9. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Б.Эргашхўжаев) вилоят ҳокимининг 2018 йил 11-майдаги 321-қ-сонли қарорига ўз кучини йўқотганлик тўғрисида тегишли белги киритилишини таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эгамбердиев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

ASLIGA TO'G'RI

Ш.Абдурахмонов